

Хашимов Пазлиддин Зукурович,Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий
Университети «Иқтисодиёт назарияси»
кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари
номзоди**Фахриддинова Заринабону Фахриддин қизи,**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий
Университети 1-курс талабаси

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

УДК: 338.2: 004

**ХАШИМОВ П.З., ФАХРИДДИНОВА З.Ф. ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Мақолада рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг имкониятлари, афзалликлари ҳамда камчиликларига таъриф берилган бўлиб ушбу соҳанинг дунёни ривожланган мамлакатлари миқёсида тарихий ривожланиш босқичлари ўрганилган. Унда Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг ривожланганлик даражаси таҳлил қилинган ҳамда ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида бу соҳани янада ривожлантириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш йўллари баён қилинган.

Таянч иборалар: рақамли иқтисодиёт, ахборот-коммуникацион технологиялари, интернет тезлиги, ялпи ички маҳсулот, рақобатбардошлик, интенсив ривожланиш, масофавий таълим, онлайн дарслар, юқори самарадорлик, компьютер саводхонлиги, "Рақамли" давлатлар.

**ХАШИМОВ П.З., ФАХРИДДИНОВА З.Ф. ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ
В УЗБЕКИСТАНЕ**

В статье рассматриваются возможности, преимущества и недостатки развития цифровой экономики, а также исследуются исторические этапы развития этой отрасли в развитых странах мира. В ней анализируется уровень развития цифровой экономики в Узбекистане и пути дальнейшего развития этого сектора на основе опыта развитых стран для устранения существующих недостатков.

Ключевые слова: цифровая экономика, информационно-коммуникационные технологии, скорость интернета, ВВП, конкурентоспособность, интенсивное развитие, дистанционное обучение, онлайн-курсы, высокая эффективность, компьютерная грамотность, "Цифровые" государства.

**XASHIMOV P.Z., FAXRIDDINOVA Z.F. PROSPECTS FOR DIGITAL ECONOMY DEVELOPMENT IN
UZBEKISTAN**

In the article is described the opportunities, advantages and disadvantages of the digital economy development and explores the historical stages of development of this industry in the developed countries of the world. It is analyzed the level of development of the digital economy in Uzbekistan and ways to further develop this sector based on the experience of developed countries, to eliminate existing problems in the sphere.

Key words: digital economy, information and communication technologies, internet speed, GDP, competitiveness, intensive development, distance learning, online courses, high efficiency, computer literacy, "Digital" states.

Кириш.

Рақамли иқтисодиётнинг бир қанча афзалликлари ҳамда ижобий томонлари мавжуд. Масалан, ахборот-коммуникацион технологияларининг ривожланиши инсон учун энг қимматбаҳо бўлган вақтни тежашга, ундан унумли фойдаланишга қўмаклашиши мумкин. Бирон бир китобнинг чоп этилган кўринишини сотиб олиш шу китобнинг электрон форматини сотиб олишдан қимматроққа тушади. Бундан кўринадики, биз ахборот-коммуникацион технологияларининг ривожланиши орқали пул маблағларимизни ҳам қисман тежаб қолишимиз мумкин. Коммунал тўловларни амалга ошириш учун банкларда соатлаб навбат кутиб туришимизга ҳожат қолмайди, исталган жойдан туриб, исталган ишни амалга оширишимиз мумкин бўлади. Уйда ўтирадиган ёки ёш болали аёлларимиз учун ҳам бу анча қўл келади. Улар уй юмушларини бажарган ҳолда, уйларида чикмай туриб, онлайн савдо билан шуғулланиб, пул топиш имкониятига эга бўлишлари мумкин. Бундан ташқари, ушбу технологиялардан таълим соҳасида ҳам унумли фойдаланиш мумкин бўлади. Ўқувчи ва талабаларнинг давоматини назорат қилиш, дарсларни ўзлаштириш натижалари ҳамда ютуқларидан хабардор бўлиш имконияти туғилади.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш албатта, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига, компаниялар рақобатбардошлигининг ўсишига, ишлаб чиқариш харажатларининг камайишига, янги иш ўринларининг яратилишига, янги замонавий касбларнинг пайдо бўлишига таъсир этмай қолмайди. Қисқача қилиб айтганда, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши ҳаётимизни ижобий томонга ўзгартириши мумкин.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, шу давлатдаги ривожланиш кўрсаткичларидан бири бўлиб ҳисобланади. Табиийки, бу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда юқори.

Рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши АҚШда – 10,9 фоизни, Хитойда – 10 фоизни, Ҳиндистонда – 5,5 фоизни ташкил этгани ҳолда, Ўзбекистонда 2 фоиздан ҳам ошмайди¹. Ушбу соҳани ривожлантириш ҳозирги замон талабига айланиб бормоқда.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш Ўзбекистон учун, унинг дунё миқёсидаги

рақобатбардошлигини белгилаб берадиган муҳим, стратегик аҳамиятга эга вазифа бўлиб, бу давлатимизга ушбу соҳани ривожлантириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиб бериш, бу жараёни рағбатлантириш зарурлигини кўзда тутади.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун имкониятлар, шарт-шароитлар етарлича, бироқ ривожланиш босқичи жуда секин бормоқда. Бунга сабаб бўлаётган бир қанча омиллар мавжуд бўлиб, уларнинг энг асосийлари интернет тезлиги ва сифатининг пастлиги, қўплаб соҳаларда монополияларнинг мавжудлиги, ахборот технологиялари соҳасидаги қонунчиликнинг замондан ортда қолганлиги, компьютер савдохонлиги даражасининг пастлиги, ахборот технологиялари мутахассисларининг етишмаслиги, ахборот технологиялари хавфсизлигининг етарли даражада эмаслигидир.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.

“Рақамли иқтисодиёт” атамаси илмий амалиётга испаниялик ва америкалик социолог, ахборотлашган жамиятнинг етакчи тадқиқотчиси Мануел Кастелс томонидан киритилган. Бу борада у ўзининг “Ахборот даври: иқтисод, жамият ва маданият” номли уч жилдли монографиясини чоп этган. Ҳозирги вақтга келиб, рақамли иқтисодиёт назарияси тўлалигича ҳали шаклланмаган ва қўпчилик иқтисодчилар томонидан кенг миқёсда ўрганилмоқда. Илмий адабиётларда ҳозирги замон “Янги рақамли иқтисодиёти” турли хил атамалар билан номланади. Масалан, “Постиндустриал иқтисодиёт” (Д.Белл)², “Ахборотлашган иқтисодиёт” (О.Тоффлер)³, “Мегаиқтисодиёт” (В.Кувалдин), “Ахборот ва алоқага асосланган иқтисодиёт” (И.Ниинилуто), “Техноиқтисодиёт ёки рақамли иқтисодиёт” (Б.Гейтс), “Билимларга асосланган иқтисодиёт” (Д.Тапскотт).

Марк Порат бирламчи ва иккиламчи иқтисодиёт секторлари орасига фарқ киритган америкалик олимлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бирламчи сектор аниқ иқтисодий баҳоланиши мумкин, чунки у бевосита бозор қийматини яратади. Иккиламчи сектор иқтисодиёт учун муҳим ҳисобланса-да, аммо уни иқтисодий баҳолашни амалга ошириш анча мушкул амал ҳисобланади,

² https://royallib.com/book/bell_daniel/gryadushchee_postindustrialnoe_obshchestvo_vvedenie.html

³ https://royallib.com/book/toffler_elvin/revolyutsionnoe_bogatstvo.html

¹ <http://mitc.uz/uz/news/view/1186>

1-жадвал. Рақамли иқтисодиётга берилган таърифлар

№	Таъриф	Таъриф манбаси
1	Электрон иқтисодиёт (рақамли, web, интернет иқтисоди) – электрон бизнес ва электрон тижорат билан боғлиқ, рақамли технологияларга асосланган иқтисодий фаолият, улар томонидан ишлаб чиқарилган ва сотилган электрон товар ва хизматлар.	Wikipedia: https://ru.wikipedia.org/wiki/E-economy
2	Тармоқ иқтисодиёти (виртуал, рақамли, электрон) – электрон тармоқлар (рақамли телекоммуникациялар) ёрдамида амалга ошириладиган иқтисодий фаолият. Технологик нуқтаи назардан, тармоқ иқтисодиёти қонуний бўлган муҳитдир.	Glossary.ru: http://www.glossary.ru/cgi-bin/gl_sch2.cgi?RRlylig9!_qutusoqg
3	Рақамли иқтисодиёт – бу шундай иқтисодий фаолиятки, унда маълумотлар рақамли шаклда бўлади. Улар ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишлари мумкин.	http://kremlin.ru/acts/bank/41919
4	Рақамли иқтисодиёт – бу рақамли ривожланиш билан боғлиқ бўлган компьютер технологиялари. Бунга қуйидагилар киради: онлайн хизматлар, электрон тўловлар, онлайн савдо, кроссфандинг ва бошқалар.	http://www.fingramota.org/teoriyafinansov/item/2198-cto-takoetsifrovaya-ekonomika
5	Рақамли иқтисодиёт – бу рақамли ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга асосланган иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқалар.	http://www.tadviser.ru/index.php/Article3AdigitalEconomyofRussia
6	Рақамли иқтисодиёт – бу тижорат мақсадида фойдаланиладиган глобал иқтисодий фаолият тармоғи.	http://www.tpinauka.ru/2018/02/Skripko.pdf

чунки у компаниялар ва давлат корхоналари ичидаги ахборот фаолиятини ўз ичига олади¹.

Глобаллашув шароитида рақамли иқтисодиёт тенденцияларининг ўзгаришини россиялик олим Н.С.Ревенко ҳам ўрганган, рақамли иқтисодиётни шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари билан эса В.М.Бондаренко шуғулланган.

Тадқиқотнинг мақсади рақамли иқтисодиётнинг моҳиятини ёритиш, унинг афзалликлари ва камчиликларини аниқлаш, ҳамда Ўзбекистонда ушбу соҳани янада ривожлантириш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари. Мақолани тайёрлаш жараёнида диалектик, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, илмий абстракция, монографик кузатув, тизимли ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилди.


Асосий натижалар. Рақамли иқтисодиёт атамасини биринчи эшитганимизда, “рақамли иқтисодиёт” ўзи нима? У қаердан келиб чиққан?

деган саволлар туғилиши табиий. “Рақамли иқтисодиёт” тушунчасининг келиб чиқиш тарихини ўрганадиган бўлсак, рақамли иқтисодиёт жуда узоқ бўлмаган вақтда, 1995 йили Массачусетс университетида фаолият юритувчи америкалик олим Николас Негрепонт томонидан аниқланган. У ахборот-коммуникация технологияларининг интенсив ривожланиши орқали эски иқтисодиётдан янги иқтисодиётга ўтишда қандай ўзгаришлар кузатилиши мумкинлигини айтиб ўтган. Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳозирги вақтга келиб, рақамли иқтисодиёт назарияси тўлалигича ҳали шаклланмаган ва кўпчилик иқтисодчилар томонидан кенг миқёсда ўрганилмоқда.

“Рақамли” давлатлар – яъни рақамли иқтисодиёт юксак ривожланган давлатлар бугунги кунда Норвегия, Швеция ва Швецария ҳисобланади. АҚШ, Буюк Британия, Дания, Финландия, Сингапур, Жанубий Корея ҳамда Гонгконг рақамли иқтисодиёт ривожланган давлатлар 10 талигига киради². Ушбу давлатлар тажрибасини ўрганиб чиқиш ва булар асосида ҳаракатланиш кўзланган мақсадга тезроқ эришишга ёрдам беради.

¹ Гулямов С.С., Аюпов Р.Х., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. - Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019,- Б. 8-10.

² <https://www.texnoman.uz/post/raqamli-iqtisodiyot-nima.html>

1-расм. Электрон ҳукумат индекси¹.

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланганлик даражаси бир қанча кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Бу кўрсаткичлардан бири электрон ҳукумат саналади. Қуйидаги жадвал орқали мамлакатлардаги электрон ҳукумат индекси билан танишиб чиқишимиз мумкин:

Кўриб турганимиздек, Ўзбекистондаги электрон ҳукуматнинг ривожланганлик даражаси паст эмас, аммо юқори ҳам эмас. Рақамли иқтисодиётнинг асосчиси маълум маънода бизнинг аждодларимиз бўлган десак, муболаға бўлмайди. Улуғ математик Муҳаммад Хоразмий бундан 1200 йил бурун замонавий ўнли ҳисоблаш тизимини яратиш ва муаммоларни ечишда алгоритмик, яъни тизимли ёндашиш орқали рақамли иқтисодиётнинг ўзига хос тамал тошини қўйиб берганди. Бу билан нафақат илм-фан, таълимда, балки кундалик турмуш, айниқса, иқтисодиётда ҳисоб-китобни тезроқ бажариш имкони туғилган. Айни пайтда Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун имкониятлар, шарт-шароитлар етарлича, бироқ ривожланиш босқичи жуда секин бормоқда. Буни бартараф этиш мақсадида юртимизда бир қанча ислохотлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти, Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганларидек: “Тараққиётга эришиш учун, рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан

бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда”².

Бугунги кунда, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мамлакатимиздаги устувор вазифалардан бири қилиб белгиланди ва албатта, 2020 йилнинг “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб номланиши ҳам бежиз эмас. Республика миқёсида, рақамли иқтисодиёт соҳасини ривожлантириш мавзусига бағишланган бир қанча илмий-амалий конференциялар ўтказилиб келинмоқда. Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университетида 2019 йилнинг 9 октябрида “Рақамли иқтисодиётдан – рақамли инновацияларга” мавзусида бўлиб ўтган давра суҳбати ҳамда 2019 йил 3 декабрда бўлиб ўтган “Рақамли иқтисодиёт: Иқтисодий ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференциялари бунга мисол бўла олади.

Республикаимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 13 февраль куни информацион технологиялар (IT) соҳасини ривожлантириш бўйича йиғилиш ўтказдилар ҳамда замон билан ҳамнафас бўлган ҳолда IT соҳасини имкон қадар кучайтириш бўйича бир қанча кўрсатмаларни бериб ўтдилар. IT академияси, IT лабораторияси, Co-Working мар-

¹ UN E-Government knowledge base 2018

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь.

кази, мобил иловалар ишлаб чиқиш маркази ҳамда масофавий ахборот технологиялари марказини ташкил қилиш шулар жумласидандир. 2020 йилда Нукус, Бухоро, Самарқанд, Гулистон ҳамда Урганч шаҳарларида IT-парклар ташкил этилиши, “Электрон ҳукумат” тизимининг барча ташкилий ва институционал масалалари ҳал этилиши, қурилиш, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, соғлиқни сақлаш, таълим, архив соҳаларини тўлиқ рақамлаштириш ишларининг бошланиши, шунингдек, яқин икки йил ичида барча қишлоқ ва маҳаллалар тезкор интернет билан таъминланиши кутилмоқда.

2019 йил 17 декабрь куни Корея Республикасининг Седжонг шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва Корея Республикасининг Давлат бошқаруви ва хавфсизлиги вазирлиги ўртасида электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт бўйича ҳамкорликдаги Марказ очилишига оид келишув имзоланди. Имзоланган ҳужжатга кўра, Корея Ўзбекистон Республикасининг электрон ҳукуматини ривожлантириш учун 2 миллион доллар миқдорида сармоя киритади¹.

2030 йилга қадар “Рақамли Ўзбекистон” концепциясини ишлаб чиқиш юзасидан ҳам чоратадбирларни амалга ошириш белгиланган. Давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш мақсадида 2018 йил 3 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сон Қарори² қабул қилинди. Қарорга кўра, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг галдаги муҳим вазифалари сифатида – инвестицион ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шакллари диверсификация қилиш учун криптоактивлар айланмаси соҳасида турли фаолиятларни, жумладан, майнинг (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йиғимлар форматида мукофот олиш имкониятини берувчи янги блоклар яратиш ва тақсимловчи платформани қўллаб-

қувватлаш бўйича фаолият), смарт контрактлар (рақамли транзакцияларни автоматик тартибда амалга ошириш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар битилган электрон шартнома), консалтинг, эмиссия, айирбошлаш, сақлаш, тарқатиш, бошқариш, суғурталаш, крауд-фандинг (жамоавий молиялаштириш), шунингдек, “блокчейн” технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш; малакали кадрларни тайёрлаш; криптовалюталар ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш; бу борада ҳуқуқий базани яратиш каби-лар назарда тутилган.

Рақамли технологиялар иқтисодиётнинг кўриниши ва тузилмасини ўзгартириб, одатдаги бизнес моделларини ўзгартиради, яқка тартибдаги хўжалик юритувчи субъектлар ва бутун мамлакат орасида рақобат ва рақобатбардошликни оширади, бозорлар ва имкониятларнинг кенгайишига олиб келади. Бунга Mc Kinsey Глобал институти ҳисоботида келтирилган маълумотларга асосланиб, 20 йил давом этган ўсишдан сўнг, жаҳон ялпи ички маҳсулотидagi товарлар, хизматлар ва молларнинг анъанавий оқимлари улуши 2007 йилдаги 53 фоиздан 2014 йилда 39 фоизгача камайганини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. 2005 йилдан 2014 йилгача бўлган даврда транс-чегаравий маълумотлар алмашинуви ҳажми 45 баробар ошди. 2014 йилдан бошлаб жаҳонда товарлар савдосининг қарийб 12 фоизи халқаро электрон тижорат орқали амалга оширилди³.

Баъзилар рақамли иқтисодиёт нега керак ва нима беради, деб ўйлаши мумкин. Рақамли иқтисодиёт деганда, фақатгина Блокчейн (Blockchain) технологиясини ва улардан халқаро молия бозорларида фойдаланиш масалаларини ёки криптовалюталарни тушуниш керак эмас. Албатта, Блокчейн технологияси, криптовалюталар ҳам рақамли иқтисодиётнинг бир бўлаги. Лекин рақамли иқтисодиёт (Digital Economy) деганда, рақамли коммуникациялар, IT ёрдамида олиб бориладиган иқтисодиёт тушунилади. Бунга, яширин иқтисодиётга барҳам бериш воситаси сифатида ҳам қараш мумкин. Чунки биринчидан, барча операциялар электрон рўйхатдан ўтилишига, иккинчидан шаффоф бўлишига эришилади. Қолаверса, ишлаб чиқаришда янги IT технологиялар қўлланилиши туфайли маҳсулот ва хизматларнинг таннархи пасаяди.

¹ <https://www.xabar.uz/uz/tehnologiya/koreya-ozbekistonda-elektron-hukumatni-rivojlantirish>

² <https://www.lex.uz/ru/docs/3806053>

³ <http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/65417-raqamli-iqtisodiyotning-afzalliklari-va-istiqbolli-yunalishlari>

2 –жадвал. Мамлакатлар ЯИМ да рақамли иқтисодиёт улушининг ўсиши, фоизда¹

Т/р	Мамлакатлар	2010 й.	2016 й.
1	Буюк Британия	8,3	12,4
2	Жанубий Корея	7,3	8
3	Хитой	5,5	6,9
4	Европа Иттифоқи	3,8	5,7
5	Ҳиндистон	4,1	5,6
6	Япония	4,7	5,6
7	АҚШ	4,7	5,4
8	Мексика	2,5	4,2
9	Саудия Арабистони	2,2	3,8
10	Австралия	3,3	3,7
11	Канада	3	3,6
12	Аргентина	2	3,3
13	Россия	1,9	2,8
14	ЖАР	1,9	2,5
15	Бразилия	2,2	2,4

Жаҳон Банкининг “Рақамли дивидендлар” номли тадқиқоти хулосалари мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг нақадар долзарб ва муҳим масала эканлигини кўрсатади. Хусусан, **интернет тезлигининг 10 фоизга ўсиши мамлакат ЯИМнинг ўсишига олиб келади**².

Мамлакат ялпи ички маҳсулотида ахборот бизнеси улушининг кўпайиши жамият ривожланишининг ахборотлашган жамият томон ҳаракатланишини билдиради. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини аниқлаш учун олимлар томонидан “Ялпи рақамли маҳсулот” кўрсаткичини киритишни таклиф қилмоқдалар. У ахборот технологиялари ёки ахборот ва интеллектуал таркибий қисм ёрдамида иқтисодий секторларда яратилган, истёмоли учун фойдали бўлган ахборот, товар ва хизматларининг бозор қийматини акс эттиради.

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, ялпи ички маҳсулот(ЯИМ) таркибида рақамли иқтисодиётнинг улуши энг кўп бўлган ва 6 йил давомида етакчиликни бой бермаган давлат бу Буюк Британиядир. Жанубий Корея, Хитой, Европа Иттифоқи давлатлари, Ҳиндистон, Япония, АҚШ, Мексика, Саудия Арабистони, Австралия, Канада, Аргентина, Россия, Жанубий Африка Республикаси (ЖАР) ва Бразилия эса ундан кей-

инги ўринларни эгаллаб турибдилар. Ушбу кўрсаткичлар юқоридаги мамлакатларда электрон тижорат тизими бошқа мамлакатларга қараганда яхшироқ ривожланганлигини кўрсатади.

Давлатнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлаганлиги ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон ҳужжатлар айланмаси соҳасида янги йўналишларни очиб беради. «Рақамли технологиялар» томон бурилишга бутунжаҳон интернет тармоғи ва сифатли алоқанинг ривожланиши сабабчи бўлди. Оқибатда катта ҳажмдаги маълумотларни алмашилиш ва уларни тўплаш имкони пайдо бўлди, бу эса, ўз навбатида, тўпланган ахборотларни қайта ишлашга, келажакни кўра билишга, асосланган қарорлар қабул қилишга ва хилма-хил услуларда фойда олишга имкон яратиб беради. Буларнинг барчаси учун мос келувчи инфратузилма, бошқача қилиб айтганда, глобал ахборот платформалари экотизимини яратиш зарур бўлади. Бироқ бунда маълумотларни, бизнесни йўқотиш, иш ўринларининг қисқариши, хавфсизликка путур етиши каби рисклар (хавфлар) ва модернизация қилиш зарурати вужудга келади. Бу масалаларни тезда ҳал қилиш зарур, чунки бу борада кечикиш жиддий рискларга олиб келади.

Рўй бераётган ўзгаришларда рақамли иқтисодиётнинг афсона ёки ҳақиқат эканлиги эмас, балки бу ўзгаришларнинг жамиятга қандай хизмат қилиши муҳим роль ўйнайди. Ҳозирги даврда биз технологиялар қандай қилиб оммавий хизмат кўрсатиш соҳасини тубдан

¹ The Boston Consulting Group (BSG)

² <https://review.uz/oz/post/raqamli-iqtisodiyot-mamlakatimiz-taraqqiyoti-garovidir>

ўзгартираётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Воситачиларни олиб ташлайдиган, мижоз ва таъминотчи ўртасидаги алоқаларнинг тўғридан-тўғри амалга оширилишига олиб келадиган Uber каби янги бизнес-моделлар пайдо бўлди. Аввалроқ худди шунга ўхшаш ўзгаришлар молия сектори ва телекоммуникацияларда ҳам рўй берган эди. Саноатда ҳам бир қанча принципиал ўзгаришлар кузатилмоқда, чунки рақамли корхона ва инсоннинг рақамли қиёфадоши – роботлар пайдо бўлиши бутун инсоният функционал моделини жиддий равишда ўзгартириб юбориши мумкин. Бу эса шуни кўрсатадики, ахборот технологиялари аста-секинлик билан одамларнинг ўрнини эгаллаб боради. Худди мана шу ҳолат рақамли иқтисодиёт ҳисобланади.

Рақамли платформаларнинг ривожланиш соҳасидаги ёрқин мисоллардан бири сифатида “Алибаба” электрон савдо тизимида эга бўлган Хитой компаниясини келтириб ўтиш мумкин. Ундан фойдаланиш тажрибаси шуни кўрсатадики, маълумотлар тўплаш жараёни иқтисодиётнинг турли секторларига экспансия учун ўта рақобатли устунликлар яратади. “Алибаба” бу – оддийгина рақамли платформа эмас, балки платформалар экотизимидир. Тушунарлики, бундай экотизим қудрати алоҳида платформалар кучидан катта бўлади. Ҳатто АҚШ ҳам ҳозирги кунда бу пойгада ютқазмоқда, чунки у ерда турли платформаларни интеграция қилишга тўғри келади, Хитойда эса бу соҳада ривожланиш самарадорликни ошириш ҳисобига – бир платформадан бошқа платформага қараб ўтиш аста-секинлик билан рўй берди.

Рақамли иқтисодиётга ўтишдек глобал фаолиятда кўп нарса давлатнинг тугган позициясига ҳам боғлиқ. Барчаси ҳамма нарсани бирлаштирадиган ва «рақам»га ўтказадиган ягона давлат платформасига бориб тақалмаслиги зарур. Яъни, «Давлатнинг вазифаси, бизнеснинг ўрнига бирон бир нарса қилиш эмас, балки оддийгина - бизнесга халал бермасликдир». Хитойда ҳам “Алибаба” тизими давлат унинг учун қандайдир платформа яратгани туфайли пайдо бўлмаган. У бундай платформа пайдо бўлиши учун шароит яратди, холос. Гарчи давлат “Алибаба”га ёрдам берган бўлсада, буни давлат корпорацияси сифатида эмас, балки тижорат корхонаси сифатида амалга оширди ва унинг хизматларидан рақобатбардош эканлиги учунгина фойдаланилади.

Давлатнинг вазифаси – умумий қоидалар яратиш, бизнес эса шу умумий қоидалар асосида

ўзгара ва ривожлана бошлайди, чунки қонунлар таъсирида ишбилармонлик муҳити ўзгаради ва рақобат ўсади.

Рақамли иқтисодиёт давлат, бизнес ва фанни бирлаштириши мумкин. Рақамли иқтисодиётда бошқа халқаро тизимлар ва амалий механизмлар билан бирга бўла олишга эришиш учун «умумий дарча» механизмидаги маълумотлар моделлари ва ҳужжатлар халқаро стандартлари ва тавсиялари асосида ташкил қилиниши лозим. Уйғунлаштириш лозим бўлган хабарлар ва ҳужжатларнинг бошланғич маълумотларини қамраб оладиган маълумотлар рўйхатини тузишда, шунингдек, миллий маълумотлар моделини шакллантиришда уларни халқаро стандартлар талабларига мувофиқ тавсифлаш ва белгилаш зарур.

Хулоса ва таклифлар.

Рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш мақсадида қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим:

1. Рақамли иқтисодиётга буткул ўтиш учун етарлича шарт-шароитлар яратиб берилиши даркор. Жумладан,

- янги ахборот-коммуникацион технологияларни яратиш;
- мамлакатдаги компьютер саводхонлигини ошириш;
- ушбу соҳада фаолият олиб борувчи малакали кадрлар сонини кўпайтириш;
- республиканинг барча тармоқ ва соҳаларида рақамли иқтисодиётнинг қўлланилишини рағбатлантириш;
- интернет тезлигини ошириш ва сифатини яхшилаш;
- мамлакатнинг чекка ҳудудларига ҳам интернет хизматларининг етиб боришини таъминлаш.

2. Рақамли иқтисодиёт нима учун замон талабига айланиб бораётганлиги ва унинг истиқболлари, имкониятлари ҳақида ва фақатгина блокчейн технологиялари ҳамда криптовалюталардан иборат эмаслигини аҳолига тушунтириш ҳам муҳим саналади.

3. Электрон тижорат (онлайн савдо) иштирокчилари ўртасидаги рақобатни қўллаб-қувватлаш, янада ривожлантириш учун рағбатлантириш тизimini ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш лозим.

4. Ёш кадрларни ушбу соҳага жалб этиш, “Рақамли” давлатларнинг олийгоҳларида ўқитиб,

малака оширишларига қўмаклашиш яхши натижаларга эришишга имкон яратиши мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистон шароитида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг қонуниятлари, тенденциялари ва имкониятларини, хусусан, ахборот технологияларининг иқтисодиётнинг турли соҳаларига кириб бориш даражаларини илмий асосда ўрганиш ниҳоятда долзарб аҳамият касб этади. Ватанимиз тараққиёти ва истиқболи,

мамлакатимизда кенг қўламда амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти миллий иқтисодиётимизга янги инновацияларни жорий қилишга бевосита боғлиқдир. Шу сабабли рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий асосларини илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // "Халқ сўзи" газетаси. 2020 йил 25 январь
2. Гулямов С.С., Аюпов Р.Х., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. - Т.: ТМИ, "Иқтисод-Молия" нашриёти, 2019.
3. UN E-Government knowledge base 2018
4. The Boston Consulting Group (BSG)
5. Интернет сайтлари:
6. <http://mitc.uz/uz/news/view/1186>
7. <https://www.texnoman.uz/post/raqamli-iqtisodiyot-nima.html>
8. <https://www.xabar.uz/uz/tehnologiya/koreya-ozbekistonda-elektron-huku-matni-rivojlantirish>
9. <http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/65417-raqamli-iqtisodiyotning-fzal-liklari-va-istiqbolli-yunalishlari>
10. <https://review.uz/uz/post/raqamli-iqtisodiyot-mamlakatimiz-taraqqiyoti-ga-rovidir>